O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№ 181200

Шу азиз Ватан — барчамизники

O'zbekiston ovozi

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI ❑ 2000 YIL 7 NOYABR SESHANBA № 130 (26.680)

МАДАДКОРЛАР КЕЛИШДИ

Бу йилги об-ҳаво ноқулайликлари қўриқ ер шароитларида деҳқончилик қилаётган сирдарёликлар учун анча ташвиш ва ноқулайликлар келтирди. Шу туфайли ҳосилни йиғиштириб олишда катта қийинчиликлар туғилмоқда. Шундай пайтларда ҳар йилги анъанага кўра сирдарёликларга яна фарғоналиклар ёрдамга келишди.

Вилоятнинг Оқолтин ва Шароф Рашидов туманларида Фарғона ва Наманган вилоятларидан келган 14 мингдан зиёд ҳашарчи йиғим-терим суръатини оширишга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

■ **Абдужалил УМАРОВ**

ЭКСПОРТ — МАМЛАКАТ ТАЯНЧИ

ГЕРМАНИЯДА ҲАМ ЭНГ СЎНГГИ...

«Навоийсавдо» ҳиссадорлик жамияти «Ўзбексавдо» ҳиссадорлик компанияси ҳамкорлигида жун титиш корхонасини қурди. Ушбу корхонага Германияда ҳам энг замонавий, энг сўнгги технология ҳисобланган ускуналарни Франкфурт Майн шаҳридаги «Флайснер» фирмаси етказиб берди. Корхонада 40 минг тоннага яқин жун ярим тайёр ва тайёр маҳсулотларга айлантирилиб хорижга жўнатиладиган бўлди.

ЗАМОНАВИЙ ЖИҲОЗЛАР

Туркиянинг «Язекс» корпорацияси ҳамкорлигида қурилган «Каштекс» қўшма корхонасининг ип йигирув цехига «Ретер», ип бўяшга «Наседа», трикотажга «Оризио», газлама чиқаришга «Сомет», эркаклар кўйлаги тикиш цехига «Римоди» фирмалари ускуналари ўрнатилган. Яқинда Улуғбек жамғармаси 300 минг Швейцария франки ажратди. Ушбу маблағга сервис механизмлари сотиб олиниши кўзда тутилган.

80 ФОИЗИ ХОРИЖГА

Тошлоқ туманидаги «ДЭУтекстайл» қўшма корхонаси ўз маҳсулотларининг 80 фоизини экспорт қилмоқда. Ўтган йили 32 миллион АҚШ доллари миқдорида маҳсулот тайёрлаб жўнатилган.

ХАРИДОРБОП МАҲСУЛОТ

«Жиззах пластмасса» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти пластмасса идишлар ишлаб чиқаришда Ҳамдўстлик мамлакатларида етакчилик қила бошлади. Корхона 500 минг АҚШ долларлик тайёр маҳсулотни Грузия, Қозоғистон, Тожикистон каби мамлакатларга экспорт қилишни мўлжаллаб турибди.

■ **Юсуф ЖЎРАЕВ тайёрлади.**

ЖАМИЯТНИНГ БАРЧА СОҲАЛАРИНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ДАСТУРЛАРИНИНГ БАЖАРИЛИШИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Олий Мажлис Кенгашининг қўшма мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларида ислоҳотларни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш, мамлакат ҳавфсизлигини таъминлаш бўйича Дастурларни амалга ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» 2000 йил 2 июндаги Фармони билан тасдиқланган дастурий чора-тадбирларнинг бажарилиши муҳокама қилинди.

Мажлисда республика ҳукуматининг, Олий Мажлис Кенгашининг ва Жамият ҳаётининг барча томонларини эркинлаштириш ва янада ислоҳ қилиш соҳасида қонунчилик базасини такомиллаштириш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича комиссиянинг аъзолари қатнашдилар. Мажлис Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Султонов ва Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошчилигида ўтказилди.

Кун тартибидаги масала бўйича ишчи гуруҳлар раҳбарлари — Олий Мажлис қўмитаси раиси, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ директори А.Саидов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси В.Голишев, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.Кароматов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари Ф.Муҳитдинова, Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А.Комилов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг масъул ходими Б.Алихоновнинг ҳисоботлари эшитилди.

Сўзга чиққанлар қонун ҳужжатлари лойиҳалари ва уларни амалга оширишга доир тадбирлар масъул ижрочилар томонидан ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқилаётганлигини қайд этишди.

Жумладан, **сиёсий соҳада, давлат ва жамият қурилиши соҳасида** эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш дастурига мувофиқ иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг учинчи сессиясида «Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси биринчи ўқишда маъқулланди, бир қанча қонунлар лойиҳалари умумхалқ муҳокамасига қўйилди. «Маънавият ва маърифат» республика кенгаши томонидан Аҳолининг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш дастури тасдиқланди. Ушбу Дастурнинг амалга оширилиши фуқаролар ўз ҳоҳишларини эркин ифода қилишлари, ўз манфаатларини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга бўлишлари, жамиятда манфаатлар мувозанатини шакллантириш учун зарур шарт-шароитлар, амалий имкониятлар ва кафолатлар яратиш имконини беради.

Иқтисодий соҳада эркинлаштиришни жадаллаштириш хусусида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонун лойиҳаси маъқулланди ва умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилинди. Илгари қабул қилинган «Аудиторлик фаолияти тўғрисида», «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида», «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги қонунларни амалга ошириш мақсадида ҳукуматнинг тегишли қарорлари қабул қилинди, меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Маънавий соҳада эркинлаштириш дастури бўйича «Миллий ғоя ва миллий истиқлол мафкураси» концепцияси қоидаларини амалга ошириш механизмини таъминлашга доир чора-тадбирлар кўрилди.

Амалдаги қонун ҳужжатларига Ўзбекистон Республикаси Олий Суди, Олий хўжалик суди, Прокуратураси томонидан ишлаб чиқилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг киритилиши **суд—ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар** жараёнларининг чуқурлашишига кўмаклашди.

Ташқи сиёсат соҳасида Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида қабул қилинган битимлар доирасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш давом этмоқда. Халқаро молия ташкилотлари билан ҳамкорлик ривожланмоқда. АҚШ, Финляндия, Буюк Британия, Швеция, Австрия, Эстония, Япония, Корея Республикаси, ХХР, Россия ва Украина билан кўп томонлама алоқалар мустаҳкамланмоқда.

Ҳавфсизликни таъминлаш соҳасида Олий Мажлис томонидан охирги сессияда «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси биринчи ўқишда маъқулланди ва умумхалқ муҳокамасига қўйилди. «Мудофаа тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси ишлаб чиқилди ва кўриб чиқиш учун киритилди.

Мажлисда муҳокама натижалари бўйича ишчи гуруҳларга Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонининг амалга оширилишини яна бир марта танқидий ўрганиб чиқиш ва жорий йил охиригача мўлжалланган дастурий топшириқларни сўзсиз бажариш юзасидан аниқ чора-тадбирлар кўриш топширилди. Муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

■ **(ЎзА)**

ТЎРТИНЧИ МИЛЛИЙ АНЖУМАН

Ўтган ҳафта Тошкентда Ўзбекистон инглиз тили ўқитувчилари ассоциацияси (UzTEA) томонидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси, Британия Кенгаши ҳамда Сорос жамғармаси — Ўзбекистон очиқ жамият институти кўмагида ташкил этилган тилшунос-мутахассисларнинг икки кунлик анжумани бўлиб ўтди.

«Ўқув дастурларини ислоҳ қилишдаги муҳим масалалар»га бағишланган навбатдаги йиғилиш ва ундаги маърузалар илк бор интернетга тўғридан-тўғри узатилди. Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Буюк Британия ва АҚШ элчихоналари вакиллари ҳамда шу мамлакатлардан ташриф буюрган 30 га яқин мутахассислар ҳамда мамлакатимизнинг 10 та вилоятидан келган 350 нафар инглиз тили ўқитувчилари ва талабалар иштирок этишди.

Конференциянинг очилиш маросимида сўзга чиққан **АҚШ ва Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчилари Жон Эдвард Ҳёрбст ва Кристофер Ингем** йиғилганларни олқишлаб, ушбу анжуманнинг ўтказилиши республикада инглиз тилини ўрганишда янги услубларни жорий этиш ва мутахассисларнинг касб маҳоратларини мукаммаллаштиришда муҳим аҳамият касб этишини қайд этдилар. Бундан ташқари Ўзбекистонда ушбу хорижий тилнинг чуқур ўрганилиши ўзга халқларнинг маданий ҳамда маънавий мероси билан яқиндан танишиш орқали халқлар ва давлатлар ўртасидаги дўстона муносабатлар ўрнатишга хизмат қилиши таъкидланди.

■ **Сергей ҚУРБОНОВ, Беруний АЛИМОВ, «Жаҳон» АА**

Сахий куз

■ **Эркабой ЖУМАГАЛДИЕВ олган сурат**

СУД ЗАЛИДА

ХАЛҚАРО ТЕРРОРЧИЛАРНИНГ ГУМАШТАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий судида терроризм, қотиллик, босқинчилик, мамлакатимиз Президенти ҳаёти ҳамда Конституциявий тузумга тажовуз қилиш ва бошқа ўта оғир жиноятларни содир этганликда айбланаётган 12 шахс устидан суд жараёни давом этмоқда.

6 ноябрь куни унда аввал содир этилган жиноятлари учун озодликдан маҳрум қилинган жиноятчилар гувоҳ тариқасида кўрсатма бера бошлади. Жумладан, 1996-97 йилларда Андижон вилоятида Козим Зокиров бошчилигида талай босқинчилик, қотилликлар содир этган гуруҳ аъзоси Муроджон Ашуров бундай жиноятлар эвазига топилган маблағлар Тожикистонга, қўпорувчи-террорчилар тайёрланадиган махсус лагерга жўнатилиб турганини тан олди. Унинг ўзи ҳам қўшни республиканинг Тавилдара туманида, Жумабой Ҳожиев раҳбари бўлган ўша лагерда махсус «ҳарбий ва ғоявий» тайёргарликдан ўтган. Лагерда турли араб давлатларидан келган мутахассислар уларга ҳарбий ва қўпорувчилик ҳаракатларини амалга оширишдан дарс берганлиги жиноятчиларнинг халқаро террорчилар тоифасидан эканлигини тасдиқлайди.

Жумабой Ҳожиевнинг мактабдоши, наманганлик Салоҳиддин Ҳамидов ҳам катта миқдордаги давлат мулкини ўғирлаган ва жазодан қочиб Тожикистондаги террорчилар лагерига ўтиб кетган. Унинг сўзларига қараганда, ҳарбий ўқишдан бош тортганлар Ж.Ҳожиев томонидан қаттиқ жазоланган ва ҳатто отиб ташланган. Тавилдарадаги тайёргарлик мобайнида асосий мақсад Ўзбекистондаги мавжуд Конституциявий тузумни ағдариб ташлаб, Тоҳир Йўлдошев, Жумабой Ҳожиев сингари шахслар раҳбарлигидаги «исломий ҳокимият»и ўрнатишдан иборат эканлиги барчанинг онгига сингдириб борилган. М.Ашуров ва С.Ҳамидов ҳамда уларнинг икки шериги 1997 йил ноябрида катта миқдордаги портловчи модда, ўқ-дори ва қурол-яроғ билан Ўзбекистонга қайтиб келаётганида қўлга олинган.

Андижонлик Алишер Эшонов эса «диний таълим»дан малакасини ошириш ниятида Чеченистоннинг Серженюрт қишлоғига, халқаро террорчи Хаттобнинг лагерига юборилган. Аммо ёш йигит у ерда Тошкентда 1999 йил 16 февралда содир этилган портлашларнинг бевосита ижрочиси, мазкур суд жараёнида айбланувчи сифатида иши кўрилаётган ва ҳозир муқаррар жазодан қочиб юрган Муродилла Козиев билан бирга қўпорувчилик ишини ўрганган. Андижонга қайтгач, А.Эшонов жиноятчилар топширигига биноан вилоятда жойлашган ҳарбий қисмлар ҳақида маълумотлар тўплаб, хариталар тузиш билан шуғулланган.

Суд давом этмоқда.

■ **(ЎзА)**

УЧИНЧИ «ҲУЖУМ» ЁКИ ЁҲУД ?

УШАЛМАГАН ОРЗУЛАР

Ғузор туманидаги Намоз Назаров номидаги 10-ўрта мактаб директори бўлиб ишлаб келаётган Мусурмон аканинг жамоаси бир неча йилдирки, мактабга ёлчимаяпти. Ўзи эса мутасаддиларнинг «Эшматга бор, Тошматга бор»ларидан чарчади. Келинг, яхшиси гапни бошидан бошлай қолайлик.

1965 йили ҳашар йўли билан қуриб битказилган 280 ўринли асосий мактаб биносининг 50 метрча келадиган қисми 1996 йили баҳорда қулаб тушди. Шундан сўнг бу мактабдан фойдаланиш тўхтатилиши керак эди. Лекин... синфхоналарнинг етишмаслиги, бунинг устига бошланғич синфлар ўқиётган мактаб биносининг деворлари дарз кетиб, дарс ўтиш хавфли бўлиб қолганлиги сабабли мактаб директори М. Онаров 1997 йилда оталиқ ташкилоти ҳисобланган «Тоҳир-Зуҳра» жамоа хўжалиги раисига қўшимча мактаб биноси қуриш учун ёрдам сўраб борди. Хўжаликнинг ўша пайтдаги раҳбари Эшқобил Маъмуров унинг бу фикрларини маъқуллади ва кўп ўтмай саккизта синфхонадан иборат қўшимча мактаб биносининг қурилиши бошлаб юборилди. Хўжаликнинг қурилиш бригадасига ёзги таътилда бўлган ўқитувчилар жамоасидан иборат бир гуруҳ ҳашарчилар ҳам енг шимариб ишга киришдилар. Мактаб жамоасининг ўша пайтдаги қувончини айтмайсизми? Лекин уларнинг бу қувончи узоққа чўзилмади. Хуллас, ўша йили бинонинг пойдевори қўйилганича иш тўхтаб қолди. Мактаб директорининг югур-югурлари бошланди.

1998 йил қишига келиб тумандаги 9-ДҚБ (деҳқон қурилиш бошқармаси) қурувчилари томонидан бино тўлиқ қад ростлади. Бироқ бу сафар ҳам ишлар охирига етмай қолди. Ана шундан кейин М. Онаров чала қолиб кетган мактаб биносини битказиш учун гоҳ хўжалик раҳбарига, (бу орада хўжалик раҳбари алмашди) гоҳ 9-ДҚБга бўзчининг мокисидай қатнай бошлади. Хўжалик раҳбари маблағ йўқлигидан зорланса, 9-ДҚБдагилар аввал хўжалик пул ўтказсин, деб оёқ тираб тураверди. Директор бу ердаги нохуш ҳолатлар хусусида маҳалла фуқаролар йиғинидан тортиб хўжалик раҳбарлари-ю, туман халқ таълими мутасаддиларига, ҳатто қурилиш ишлари бўйича туман ҳокимининг муовинигача бир неча бор учрашиб аҳволни тушунтиришига қарамай, улардан бирор жўяли гап ололмади. Туя гўшти еган мактаб биноси эса қаққайганича қоруёмғирлар остида қолаверди. Дарвоқе, чала қолган мактаб биносига 1999 йили учинчи марта «ҳужум» бошланди. 9-ДҚБ шоввозлари бу сафар бинонинг устига плиталарни ўрнатиб, синфхоналарни чала-ярим сувоқлаб бажарган ишлари миқдорида хўжалик пул ўтказмаганлиги сабабли яна жуфтакни ростлаб қоладилар. Шундан сўнг мактаб жамоаси бор имкониятларини ишга солиб, 1965 йили қурилган эски мактаб биносининг 5 та синфхонасини бузиб, қурилиш материалларини олиб, қўшимча мактаб биносига ўрнатадилар. Шиферни ҳам бир амаллаб эплаштирадилар-да мактабнинг устини ёпишга эришадилар. Бироқ бу аҳволда синфхоналарида ҳеч қандай ўқиш ва ўқитишнинг иложи йўқ эди. Айни кунларда ушалмаган орзулар орзулигича қолиб келмоқда. Сабаби, ҳанузгача дераза ромлари йўқ, синфхоналар кўримсиз ётибди. Хоналар зах, монтаж ишлари мутлақо амалга оширилмаган. Ҳали қилинадиган ишлар кўп. Орзулар катта. Бироқ, гап фақат орзуларнинг ушалишида.

■ **Абдурасул ПАРДАЕВ, журналист**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2000 йил 7 ноябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади: */*

1 Австралия доллари	162,35	10 Люксембург франки	66,29
1 Австрия шиллинги	19,43	1 Малайзия рингити	81,45
1 Англия фунт стерлинги	447,48	1 Германия маркаси	136,73
10 Бельгия франки	66,29	1 Польша злотийси	68,30
1 Голландия гульдени	121,35	1 СДР	399,38
10 Греция драхмаси	7,88	1000 Туркия лираси	0,46
1 Дания кронаси	35,92	1 Финляндия маркаси	44,98
1 БАА дирхами	84,26	1 Франция франки	40,77
1 АҚШ доллари	309,48	1 Швейцария франки	175,15
1 Миср фунти	81,44	1 ЕВРО	267,42
10 Испания песети	16,07	10 Жанубий Корея вони	2,73
100 Италия лираси	13,81	10 Япония иенаси	28,67
1 Канада доллари	202,26	1 Россия рубли	11,13
1 Хитой юани	37,39	1 Украина гривнаси	56,92

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

МИСРДА МАЛАКА ОШИРИШМОҚДА

Мисрда мамлакат Ташқи ишлар вазирлиги қошидаги МДҲ мамлакатлари билан техник ҳамкорлик жамғармаси ва Бутунмиср савдо палаталари иттифоқи томонидан ташкил этилган Марказий Осиё мамлакатлари учун навбатдаги ички ва ташқи савдо ҳамда кўргазмалар уюштиришга кўмаклашиш бўйича малака ошириш курслари якунланди.

Ушбу курсларда Ўзбекистон вакиллари ҳам иштирок этишди. Тингловчилар экспортни ривожлантириш маркази ва Миср экспортчилари ассоциацияси иши билан яқиндан танишдилар ҳамда қатор савдо, экспорт ва импорт билан шуғулланувчи муассасаларда бўлишиб, Халқаро савдо палатасининг Бутунараб қўмиталари Форумининг биринчи анжуманида қатнашиш имкониятига эга бўлдилар.

Жамғарма ташкил этилган кундан бошлаб кўпгина ишлар амалга оширилди. Жумладан, ўзбекистонлик тингловчилар учун турли мутахассисликлар бўйича 100 га яқин курслар уюштирилди. Бу ерда мамлакатимизнинг 300дан ортиқ мутахассислари ўз малакаларини ошириб, сайёҳлик, хусусийлаштириш, қишлоқ хўжалиги, суғурта, ташқи савдо ва электрлаштириш, молия ҳамда араб тили, шунингдек, бошқа турли соҳаларда Миср тажрибалари билан танишдилар.

■ **Б. ИРИСОВ, «Жаҳон» АА, Қоҳира.**



ХАВФЛИ КАСАЛЛИК

Угандада сентябрь ойи охирида пайдо бўлган юқумли Эбола безгаги билан яна тўқсон киши касалланди. Шундай қилиб, ундан азият чекаётганлар сони икки юз саксонга етди. Уларнинг юз эллик беш нафари соғайиш арафасида. Маҳаллий шифокорларга Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти мутахассислари ёрдам бермоқда.

ДЕМОГРАФИК МУАММОЛАР

Хитойда 2010 йилга бориб, аҳоли сони 1,4 миллиарддан ошиб кетиши мумкин. Ҳукумат бунинг олдини олиш учун турли чора-тадбирлар ишлаб чиқмоқда. Айни пайтда бутун мамлакат бўйлаб барча муассасаларда тушунтириш ишлари олиб борилябти.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, Хитойда аҳоли сони йилига ўн миллионга ошмоқда. Агар ўсиш суръати шу тарзда давом этса, 2050 йилда аҳоли сони 1,6 миллиардга етади.

■ **(ЎзА)**

XXI АСР — АХБОРОТ, ФИКР, ТАФАККУР АСРИ!
«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» — АХБОРОТ, ФИКР, ТАФАККУР ТАРАФДОРИ!
«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА БЎЛИНГ!

НАШРЛАРИМИЗ ИНДЕКСИ:
«Ўзбекистон овози» — 220
«Голос Узбекистана» — 121
«Осиё бозори» — 174

ХДП ХАБАРИ

ИНСОН УЧУН ҲАЁТ — МУКОФОТ

Одатда Ватанни онага қиёслайдилар. Мен эса уни болага ўхшатаман. Негаки, бугун Ўзбекистонимизнинг ҳар бир фуқароси онадек

Ватанга ўз меҳрини, муҳаббатини бермоғи керак.

Она фарзандини ҳар қачон ва ҳар қандай шароитда севишга, бағрига босишга, кечиришга қодир. У боласининг кам-кўстини яшириб, яхшисини ошириб яшайди, керак бўлса, уни деб жонидан ҳам кечади. Ватанни ҳам ана шундай чексиз муҳаббат ва фидойилик билан қадрлаш, асраш лозим.

Куни кеча Жаҳон Тиллари Давлат университети талабалари ва ҳуқуқшунослик лицейи ўқувчилари ҳузурида Ўзбекистон ХДП МК ходимларининг ташаббуси билан «Ёшлар ва сиёсат» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Талабалик умримизнинг энг қисқа даврини ташкил этса-да, ундан жуда узун ва муҳим ҳотиралар қолади. Чунки халқ ҳамиша ёшларга катта умид билан қарайди. Тошкент шаҳар «Маънавият ва маърифат маркази» раҳбари Садир Салимов ўз маърузасида инсон маълум лаҳзаларда йўл қўйган биргина қалтис хатонинг жабрини бир умр тортиши мумкинлиги ва баъзан дарз кетган тақдирни бутлаш учун бир неча йиллар ҳам кифоя қилмай қолиши мумкинлигини таъкидлади. Бугунги кунда биргина Тошкент шаҳрининг ўзида бир неча ўн йигитнинг эл кўзидан қочиб юрганлиги жамиятимиз учун жуда хатарли-да!.. Халқ хоинлари ўзларининг мудҳиш жиноятларини содда ва гўр ёшларимизнинг қўли билан амалга ошираётганлари ҳеч биримизга сир эмас. Билимли ва эътиқоди мустаҳкам бўлган кишини ҳеч ким йўлдан уролмайди.

Учрашувда ЎзХДП Марказий Кенгаши котиби Аслиддин Рустамов ташкил этилиши режалаштирилаётган «Истиқбол» ёшлар клубининг мақсад ва вазифалари тўғрисида уларга ахборот берди. Бу клубга 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган йигит-қизлар аъзо бўладилар. Тузилажак бу клубнинг мақсади Ўзбекистон ёшларини маълум эътиқод ва маслак йўлида бирлаштиришдан иборатдир. Диний экстремистик оқимларга кўр-кўрона қўшилиб қурбон бўлаётган кимсаларни лаънатлаш, қоралаш осон. Уларнинг тарбияси билан жиддийроқ шуғулланиш, ёшларни маънавий қашшоқликдан қутқарадиган вақт келди. Кеча иштирокчиларида шу масъулиятли вазифани «Истиқбол» ёшлар клуби амалга оширади, деган умид уйғонди.

Шунингдек, учрашувда ЎзХДП МК матбуот котиби Ёқутхон Исоқова, ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгашининг бош маслаҳатчиси Муаззамхон Нуриддиновалар ҳам иштирок этдилар.

Омад юз ўгирса, бир кунмас бир кун қайтади, йўқотилган бойликнинг ўрнини қачондир тўлдириш, соғлигингизга шикаст етса, даволанишингиз мумкин. Бироқ шамолга совурилган умрни ортга қайтаришнинг мутлақо иложи йўқ. Инсон ҳамма нарсадан безиши мумкин, лекин ҳаётга ҳеч қачон тўймайди. Ушбу анжуман талаба ва ўқувчи-ёшларни ҳушёрликка ундади.

■ **Замира ЭГАМБЕРДИЕВА**

Суратларда: учрашувдан лавҳалар.

■ **Бахтиёр АКРАМОВ олган суратлар.**

«ҲОСИЛ — 2000»

ХОРАЗМДА ҲОРИШ ЙЎҚ

Юртбошимизнинг «Хоразм деҳқонининг ҳар бир куни қаҳрамонликдан иборат!» деган юксак баҳоси амалдаги йилда оддий ҳақиқатга айланди. Ҳатто кексалар ҳам қуйи Амударё минтақасида бу қадар сувсизлик бўлганини хотирлай олмайдилар...

Чигит экиш вақтида ўтказилди. Ниҳоллар тўлиқ ундириб олинди. Ягана, ўтоқ сифатли амалга оширилди. Навбат суғоришга! Сув эса камчил. Йўқ ҳисоби. Чанқаган ғўза тупларига термилиб бир мавсумда сочи оқарган деҳқонлар бўлди...

Май ойи. Шоликорлар уруғ сепиладиган майдонларни ҳозирлаб бўлишган. Уруғни сувга ташлаб қўйганлар қанча. Сепиш керак. Қани сув?! Уруғ бечора кўкариб кетди. Ким зарар кўрди, кимнинг асаби ўйнади?!

Хоразм шоликори азалдан давлатимизнинг бошқа ҳудудларидаги ошхўрларнинг яқин сирдоши. Демак... экиш керак. Экишди. Энди ниҳоллар униб чиққан, тағин дарёда сув камайди. Юзлаб гектарлардаги шоли ниҳоллари қуриб қолди. Деҳқонлар қуйишди, фермерлар қуйишди. Лекин, кайфиятлари тушмади, деҳқон иродаси букилмади. Сувсизликдан омон қолган ниҳолларни асраб қолиш учун кураш бошланди. Ҳақиқий деҳқон учун синов даври келди. Ҳафтасига бор-йўғи беш-ўн соаттина ухлаган одамлар бўлишди. Чунки, тунги суғориш билан сувсизликка бироз бўлса-да барҳам бериш мумкин...

Ушбу йилда деҳқонлар ҳар томчи сув қадри нималигини англашди. Ҳатто, ариқ тубидаги, зовур, кўлардаги сувларнинг энг сўнгги томчиларидан фойдаланишди. Кимдир қудуқдан сув тортиб сабзи-пиёзини сақлади...

Баҳор ўтди — сув камчил. Ёз ўтди — сув ҳисобли. Ҳаммаси ортда қолди. Деҳқонлар катта майдонлардаги ҳосилни сақлаб қолишга муваффақ бўлдилар. Режадагидай бўлмаса-да ҳарқалай кўнгилдагидай.

Энди йиғимга навбат. Пахтакорлар етиштирган ҳосилни тез ва сифатли териб, давлат омборларига топширишмоқда. Биринчи терим-даёқ режани бажарганлар бор.

Шоли ўришга киришилган. Бу йил сувсиз шоли етиштириш «тажрибаси» содир бўлди. Бу «тажриба» мукофоти — хирмондаги дон. Минг азоб ва уқубат билан асраб қолинган ҳар бир дона дон.

Буғдой уруғи қадалган майдонларни суғориш... яна ҳар томчи сувни тежаб-тергаб ишлатиш «тажрибаси» амалиётда. Қанд лавлаги ҳам сувсизликка чидамли экан. Балки тоши енгилроқ келар, аммо гектарлар асраб қолинган.

Бир сўз билан айтганда, юртбошимиз баҳоси: «Ҳар бир кунимиз қаҳрамонликдан иборат» бўлди.

Йиғим мавсуми давом этмоқда. Деҳқонда ҳориш йўқ. Деҳқонда нолиш йўқ. Биз атайлаб рақамлар келтирмадик, илғорларни тилга олмадик, фалон-фалон фоизлар деб бош оғритмадик. Чунки, бу йил Хоразмда ҳамма илғор! Ҳамма қаҳрамон!

■ **Рўзимбой ҲАСАН, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ФЕРМЕР ЗАВОД ҚУРДИ

«Шуҳрат» фермер хўжалигини нафақат Марҳамат туманида, балки вилоятда ўз ўрни бор.

— Хусусий мулк жамият ривожини таъминлайди, — дейди фермер хўжалик раҳбари Тожимирза Нуриев. Ҳозир фермер ташаббуси билан очилган ўнлаб маиший хизмат шохобчалари ҳамкишлоқлари корига яраяпти. Бу ерда юртимизда тўртинчи бўлиб мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишловчи корхона ишга туширилди. Қиймати 35 миллион сўмлик бўлган қайта ишлаш корхонаси универсал хусусиятга эга. Маҳсулотларни табақаланган ҳолда қайта ишлай олади. Дейлик, айни помидор пишган пайтда томат ва қайласи олинди. Соатига 5 тонна помидорни қабул қила оладиган корхона кунига қанча маҳсулот бериши аён. Ҳозир беҳи ва бошқа мевалардан мурабболар тайёрланяпти.

Энг муҳими, универсал ишлаш имкониятига эга бўлган корхона технологияси асло хорижники эмас. У Тошкентдаги Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси конструкторлари томонидан яратилган. Ишнинг бошидан охиригача бўлган жараёнда атиги 40 киши қатнашади. Корхонани бу ерда барпо этишда республика «Бизнес фонди» ва «Тадбиркор таъминот» шўъба корхонаси молиявий жиҳатдан кўмаклашди.

Суратларда: *1. Фермер хўжалигининг консерва маҳсулотлари ишлаб чиқариш заводида (юқорида чапдан) Иқболой Худойназарова ва Гулчеҳра Бобожонова шарбат қуйиш бўлимида. 2. Фермер хўжалигига қарашли озиқ-овқат ва кундалик эҳтиёж моллари дўконидан лавҳа.*

■ **Шухрат ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар**

ЯНГИЧА ИШЛАШ САМАРАСИ

РАҲБАР ЭЛИМ ДЕСА...

Ромитан туманининг Дўстлик жамоа хўжалиги республикамиздаги энг илғор хўжаликлардан. Негаки, бу ерда деҳқон билан ҳалол тиллашилади. Пудратчилар билан ўртада тузилган шартнома — қонун. Ҳар қандай вазиятда ҳам у ўз кучида қолади. Боғбоннинг, деҳқону миришкорнинг ишончи сўнишига йўл қўйилмайди. Шунинг учун ҳам меҳнаткашлар унум билан меҳнат қилишдан биринчи галда ўзлари манфаатдор эканликларини яхши билишади. Муваффақиятларнинг гарови ҳам шунда.

— Сиз далаларимизни айланинг, одамларимиз билан гаплашинг. Уларнинг кайфиятларини ўрганинг, — дейди хўжалик раиси Фарҳод Латипов. — Бирон кишининг чеҳрасида ҳорғинлик аломатини сезармиканисиз.

Бу гаплардан раиснинг кўнглидаги фахр туйғусини англаб олиш қийин эмас. Ҳақиқатдан ҳам, ўз меҳнатингдан қониқиш, завқ олиш кимни қувонтирмайди, дейсиз. Унинг пировард натижасидан фақат сенгина эмас, юзлаб, минглаб ҳамюртларинг манфаатдор бўлаётганлигини кўрганингда эса қувончдан кўнглинг яйрайди. Ҳар қандай чарчоқ чекинади.

Атиги беш йилгина илгари эса худди шу хўжаликда меҳнат оғир юкка айланиб қолган эди. Режалар бажарилмасди. Хўжалик қарзга ботган, аранг кун кўрарди. 1995 йилда хўжаликка Фарҳод Латипов раис бўлиб келди. У ишни ерни ўз эгаларига — деҳқону миришкорга топширишдан бошлади. Ахир халқимиз азал-абад деҳқончилик, боғдорчилик билан шуғулланиб келган. Унинг ишига тепасида туриб бошчилик қилиш шарт эмас. У ер билан, экину дарахт билан ҳам қандай тиллашишни ўзи яхши билади. Шунинг учун раис пудратни жорий қилди. Қарийб 500 гектардан ортиқ ердаги узумзор ва мевазорлар деҳқонга бўлиб берилди. Эътибор биринчи галда уларнинг ўз меҳнатларидан манфаат кўришларига қаратилди.

— **Чўнтагида бир мириси бўлмаган, елкасида қарзи, ўзига яраша сарф-харажатлари бўлган бундай хўжаликда ана шундай иш тута билиш осон кечмагандир?**

— Э-э-э, у кунларни эслатманг. Биласизми, ҳатто ерларни одамларга бўлиб берганимиздан сўнг ҳам анчагача кўнглим таскин топмади. Аҳволни билиш учун дала айлангани чиқаман. Қора терга ботиб ишлаётган бирон аъзомизнинг ёнига бориб суҳбатлашиб қоламан. Дарахтдаги ҳосилни чамалаб «мана бунча фойда кўрасиз», десам менга ишончсизлик билан қарайди. Мени уларнинг кўзларидаги ана шу ишончсизлик қийнарди. Ахир биз мустабид тузум даврида деҳқоннинг бор куч-қувватини сўриб келганмиз-да. Лекин эвазига деярли ҳеч нарса бермаганмиз. Ҳозирча хўжалигимизда беш юз киши меҳнат қилади. Уларнинг ҳар биридан мустақиллик сизга нима берди, деб сўраб кўрингчи!

Ижарачилардан бири — Элмурод Жўраевни суҳбатга тортамиз:

— Олти ўғил, икки қизимиз бор. 24,5 гектар ердаги зардоли ва олмазор боғда пудрат асосида ишлаймиз. Бу йил боғларимиздан ўн олти тонна ўрик, 60 тонна олма ҳосили олдик. Умуман шартномада кўрсатилган талабларни ҳар йили бажариб келамиз. Берилган режадагидан ортиқча ҳосил эса ўз ихтиёримизда қолади. Бундан кўрган фойдамиз оиламизнинг кундалик эҳтиёжларидан ортиб, ҳатто хусусий трактор ҳам сотиб олганмиз.

Раис ана шунинг учун ҳам мустақиллик байрамини жонудилидан ортиқ кўради. Ахир деҳқоннинг кўкрагига шамол теккани шу эмасми! Раис ана шунинг учун ҳам бу қутлуғ кунни ҳар йили янги бир тадбир билан кутиб олишга одатланган. У хўжаликка раис бўлиб келган кезларда бу ҳудуддаги йўллар деярли асфальт кўрмаган, ўта бефайз эди. Кўпчилик кўчалар ёзда чанг-тўзон, қишда ботқоқ бўлиб ётарди. 1998 йилда мустақиллик байрамигача барча кўчалар, юз фоиз асфальтланди. Қишлоқ аҳлининг турмуш даражасини оширувчи бош омиллардан бири ҳам шу эмасми! Бундан ташқари, ўша йилиёқ Россиядан бартер асосида қурилиш материаллари келтирилди. 1999 йили мустақиллик байрами нишонланадиган кунгача эса жамоа хўжалиги марказида ёшлар учун спорт-соғломлаштириш мажмуаси фойдаланишга топширилди. Бу ерда барча турдаги спорт машқлари билан шуғулланиш учун имконият, замонавий спорт анжомлари мавжуд. Энди ёшларнинг бўш вақтларини фойдали машғулот билан тўлдириш, уларнинг соғлом ва бақувват бўлиб ўсишлари учун ҳам имконият яратилганди. Раҳбар талабчан, тадбиркор. Шунинг учун ҳам жамоада сўнгги икки йил ичида ҳосилдорлик қарийб 50 фоизга ошди. Аммо энди уни мавжуд имкониятлардангина фойдаланиш қониқтирмай қўйди. Хўжалик аъзолари билан ўзаро баҳамжиҳат фикрлашиб, кейинги ўн беш йил ичида илк бор кўчат етиштира бошладилар. Шу тариқа ўн гектар ерда узумзор, йигирма беш гектар ерда мевазор боғ ташкил этилди.

— Боғбон кунни кун, тунни тун демай меҳнат қилиб шириншакар меваларни етиштирса-ю, арзимас нарх эвазига сотса адолатданми, — куйинади раҳбар.

Унинг узлуксиз Россияга қатнашлари, сўраб-суриштирувлар, тортишув ва келишувлари натижасида «Трансфрукт» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси тузилди. Мустақиллигимизнинг тўққиз йиллиги нишонланиши арафасида ишга туширилган бу корхонада бир мавсумда 300 тонна помидор қайласи, юз тоннадан олхўри, узум, қовоқ ва сабзи шиннилари ҳамда 40 тонна ўрик қайласи тайёрланади. Бу ерда етмиш киши иш билан таъминланди. Улар ҳар ойда ўн мингдан йигирма минг сўмгача ойлик маош олиб ишламоқдалар. Корхонадан пудратчилар ҳам манфаатдор. Улар етиштирган маҳсулотлари нест-нобуд қилинмай шу ернинг ўзида ўзаро келишилган нархларда сотиб олинади.

— Биз чиқитсиз технология асосида ишлаймиз, — дейди Ф.Латипов. — Мисол учун, бу йил мева-чева ўта мўл бўлганлигига қарамай олманинг энг паст навларини ҳам нобуд бўлишига йўл қўймадик. Уларни пудратчилардан ҳар килограмини ўн сўмдан сотиб олмоқдамиз. Ундан халқимиз орасида ҳозирда деярли унутилиб юборилган шинни маҳсулоти тайёрланаяпти. Чиқитини эса ҳар килограми уч сўмдан аҳолининг ўзи чорва молларига озуқа сифатида сотиб олмоқда. Табиийки, бундан меҳнаткаш ҳам, хўжалик ҳам, корхона ҳам ўзига яраша қўшимча фойда кўрмоқда.

Қўшма корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотлар эса Россияга экспорт қилинади. Бунинг эвазига ўша ёқдан шартнома асосида трактор ҳамда комбайнлар етказиб берилмоқда. Бу йил улар Туланинг «Простор — ПН 100» комбайнини етказиб беришди. Натижада буғдойзорни ташқаридан ёрдамсиз, ўз кучлари билан ўриб-йиғиб олишди. Бу буғдойзор майдонларида меҳнат қилган пудратчилар ҳар гектар бошига 40,5 центнердан ошириб ҳосил топширдилар.

Хўжаликдан катта таассуротлар билан қайтарканмиз, хаёлимизни фақат бир фикр банд этади. Ҳукуматимиз тадбиркорликни беҳуда қўллаб-қувватламаётибди. Шу туфайли чекка қишлоқларимизга ҳам янги техника, технология кириб бормоқда. Аҳолининг турмуш даражаси ошмоқда.

Элим деган кишилар бор экан, мамлакатимизнинг келажаги порлоқ эканлигига амин бўламиз.

■ **Ислом АҲАДОВ**

СУТ, ҚАТИҚ, ҚАЙМОҚ

Ўзбекистон туманидаги «Умид» фермер хўжалиги мамлакатимиздаги намунали меҳнат жамоаларидан. Тажрибали раҳбар Имомали Назаров бошчилигидаги бу хўжаликда Исроил давлатининг «Марав» фирмасидан 250 минг АҚШ долларига сотиб олинган кичик сут заводи ишга туширилди. Завод кунига 2 тонна сутни қайта ишлаш қувватига эга. Сарёғ, қаймоқ, сметана, пишлоқ, сут аралаштириб тайёрланадиган ўрик ва қулупнай шарбатлари каби саккиз хил маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Худди шундай кичик сут заводи Фарғона туманидаги Бобур номли ширкат хўжалигида ҳам ишга туширилди.

■ **Алишер ИБОДИНОВ**

ТАЪЛИМДА НОСТРИФИКАЦИЯ:

ЗАРУРИЯТ ВА ТАРТИБ

Давлат тест маркази таркибидаги кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Ҳасан Эшматов бу ҳақда қуйидагиларни гапириб берди:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 25 июлдаги «Расмий давлат ҳужжатларини тайёрлаш, ҳисобга олиш, сақлаш, топшириш ҳамда улардан фойдаланиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорида «Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) тартиби тўғрисидаги Низом»и таълим ислоҳотларини изчил амалга оширишимизда муҳим вазифаларни белгилаб берган.

Бу низом республикамизнинг «Таълим тўғрисида»ги қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган ва хорижий давлатларда 1992 йил 1 январдан сўнг берилган ҳужжатларни тан олиш, ҳамда уларни нострификациялаш тартибини белгилайди. Хусусан, хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш деганда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ушбу ҳужжатларнинг қонуний кучга эга эканлиги тушунилади. Шунингдек, ушбу ҳужжат эгалари тайёргарлик даражасининг мувофиқлигини белгилаш ва уларга Ўзбекистон Республикасининг таълим тўғрисидаги ҳужжатларига эга бўлган шахсларга тенг академик ёки касбий ҳуқуқлар берилиши тушунилади.

Хорижий давлатларда берилган ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим олганлик тўғрисидаги дипломларни нострификациялаш учун бошқармага тегишли ҳужжатлар тақдим этилади. Нострификациялаш иши тўловшартнома асосида амалга оширилади. Шу сабабли ариза берувчи амалда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридаги (2450) сўмни Давлат тест маркази ҳисоб рақамига ўтказганлик ҳақидаги тўлов қоғозини қўшиб топширади.

Шунингдек, бошқарма лозим бўлган ҳолларда тегишли ўқув юрти, маҳаллий ва хорижий ташкилотлардан ўрганилаётган ишга тегишли аниқлаштирувчи ҳужжатларни сўраб олиши мумкин.

Фуқаролардан қабул қилинган ариза ва ҳужжатларнинг бошқарма томонидан кўриб чиқилиши ва тегишли қарор қабул қилинишида — кооперация ёки мақсадли ўқитиш («Умид» жамғармаси тавсияси, давлатлараро битимлар орқали, мақсадли ўқитиш) асосида хорижий давлатлар таълим муассасалари томонидан берилган ҳужжатларни тан олиш ва нострификациялаш тўғридан-тўғри текширувсиз амалга оширилади ва тегишли ҳужжат кўпи билан бир ой муддатда расмийлаштирилади, бошқа ҳолатларда бошқарма тан олиш ва эквивалентлигини қайд этиш жараёни учун барча зарур ҳужжатлар мавжудлигини аниқлайди ва ушбу материалларни ваколатли эксперт комиссиясига юборади. Тан олиш ёки эквивалентлигини қайд этиш жараёни учун талаб қилинадиган материаллардан бирининг йўқлиги аниқланган тақдирда ҳужжатлар ариза берувчига қайтарилади.

Дарвоқе, таъкидлаш жоизки, ваколатли эксперт комиссияси ариза берувчининг ҳужжатларини экспертизадан ўтказади. Давлат таълим стандартлари, таълим муассасаси ўзлари жойлашган давлатларда белгиланган тартибда аккредитация қилинган бўлиши лозим, таълим йўналиш (мутахассислик)лари бўйича ўқув режалари, ўқилган ўқув фанларининг дастурлари, малака тавсифномалари, халқаро битимлар ва тавсиялар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъёрий ҳужжатлари асосида экспертиза амалга оширилади. Шунингдек, эксперт комиссияси зарур ҳолларда (таълим муассасасининг салоҳияти ва нуфузини мавжуд ҳужжатлар асосида аниқлаш имкони бўлмаса, фанлар рўйхати ва ҳажмидаги фарқлар фанларнинг мавжудлиги) айрим таълим фанлари бўйича махсус синовлар ўтказиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида бошқармага таклиф киритиши мумкин. Киритилган таклиф асосида ўқув режаларидаги тафовутларни топшириш ёки махсус синовлардан ўтиш муддати ариза берувчининг розилиги билан белгиланади. Синовларни ташкил этиш ва ўтказиш учун талаб этиладиган вақт гувоҳнома бериш учун белгиланган бир ой муддатга кирмайди.

Нострификацияланаётган ҳужжат эгаси мутахассисликка оид тест топшириқларини топширади ва муваффақиятли ўтганларнинг ҳужжатлари нострификация қилинишга тавсия этилади. Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларнинг эквивалентлиги тўғрисидаги салбий хулоса: маълумот олиш даври Ўзбекистондагига қараганда бир йилдан кам бўлса, ҳужжат эгасига кам академик ва профессионал ҳуқуқлар берилган бўлса, маълумот Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилмаган таълим шаклида олинган бўлса берилади.

Бундан ташқари, хорижий давлатларнинг умумий ўрта таълим ва унинг қуйи босқичлари ҳужжатларини тан олиш Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари томонидан ташкил этиладиган комиссиялар ҳужжатларни кўришни кўпи билан икки ҳафта муддатда амалга ошириши керак. Комиссия хулосаси бошқармага юборилади ва уч кун муддат ичида бошқарма тегишли қарор қабул қилиши керак. Жойлардаги комиссиялар бутун ўқув йили давомида фаолият кўрсатади ва ўз иши ҳақида бошқармага ҳисобот бериб боради.

Агар хорижда таълим олганларнинг ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасида олиб борилмайдиган таълим йўналишлари, мутахассисликлар, соҳаларда амалга оширилган бўлса, мазкур ҳужжатларнинг эквивалентлигини қайд этиш масаласи махсус эксперт комиссияси томонидан кўриб чиқилади.

Бошқарма эксперт комиссиясининг хулосаси ва таклифини кўриб чиқиб, таълим тўғрисидаги ҳужжатлар эквивалентлиги ёки уни рад этиш ҳақида қарор қабул қилади.

Ҳужжатларни тан олиш ва эквивалентлигини қайд этиш натижалари юзасидан берилган шикоят ва аризалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги асосида кўриб чиқилади.

Бугунга қадар бошқарма ходимлари томонидан нострификацияланган ҳужжатларга бериладиган гувоҳномаларнинг намуналари тайёрланди. Бундан ташқари, тегишли вазирлик, идоралардан мутахассислар рўйхати олиниб, эксперт комиссиялари таркиби тузилди ва тасдиқланди.

Таъкидлаб ўтиш лозимки, 1992 йил 1 январдан кейин хорижда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатлар нострификацияланмаса, у ҳолда бу ҳужжат давлатимиз ҳудудида кучга эга бўлмайди.

■ **«Ўзбекистон овози» мухбири Фарруҳ ҲАМРОЕВ ёзиб олди.**

1

ИСЛОҲОТ ВА МАСЪУЛИЯТ

Серқуёш Ўзбекистонимизнинг бойликлари ҳақида сўз кетганда, албатта, кўз ўнгингизга бепоён пахта далаларию олтин конлари келади. Ваҳоланки, мамлакатимизнинг шундай бойликлари ҳам борки, улар кўз илғамасдир. Шу боис ҳам юртимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг кенг миқёсига назар солганимизда нефть ва газ соҳасини ҳам унутмаслигимиз керак.

«Ўзтрансгаз» акциядорлик компаниясининг «Урганчтрансгаз» шўъба корхонаси 30 йилдан буён фаолият кўрсатиб келади. Ўтган йиллар мобайнида бу корхона ҳар томонлама ривожланиб, халқ хўжалигига катта фойда келтиряпти. Ўзбекистон иқтисодиётининг қон томирига айланиб қолган бу соҳа собиқ иттифоқ даврида юртдошларимизга унчалик хизмат қилолмас эди. Чунки улкан қувурлар орқали газ узоқ Россияга, ҳатто хорижий мамлакатларга жўнатиларди-ю, бироқ унинг ҳузурини юртдошларимиз кўролмас эдилар. Минглаб километр газ қувурлари вилоятларимиз ҳудудидан ўтиб кетарди-ю, қишлоқ меҳнат аҳли ғўзапоя ёқишга мажбур бўларди.

Мустақилликнинг тўққиз йилида бу борада кенг миқёсда ислоҳотлар амалга оширилди. Астасекин наинки шаҳарларимиз, ҳатто узоқ қишлоқларимиз ҳам газлаштирилмоқда. Эндиликда қишлоқ аёллари ўз ҳаётларини «зангори олов»сиз тасаввур этолмайдилар. Шу боис ҳам улар «Урганчтрансгаз» шўъба корхонасининг кейинги йилларда эришган ютуқларидан мамнун.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, ушбу корхона катта минтақада фаолият юритмоқда. Бу ёғи Туркманистонгача бўлса, у ёғи Бухоро, яна бир томони Қорақалпоғистон. Қолаверса, корхона мутахассислари Қозоғистон, ҳатто Россияда ҳам фаолият кўрсатмоқдалар.

Умуман олганда мазкур жамоанинг муваффақиятлари кўп. Шу йилнинг тўққиз ойида газни узоқ жойларга етказиб бериш суръатлари янада ошди. Ишлаб чиқариш хўжалик фаолияти ва техник иқтисодий кўрсаткичлари яхшиланди. Айниқса, магистрал газ ўтказиш тармоқлари, компрессор станциялари ва бошқа объектларда ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланишга эришилди. Корхонанинг молиявий аҳволи барқарорлашди. Кадрлар малакаси ошди.

Ўтган қисқа давр ичида компрессор станцияларидаги газ олиш агрегатлари 121 тадан ортиб кетди. Компрессор станцияларида 87 дона турбоагрегат фойдаланишга топширилди. 19 та агрегат эса бевосита газни узатиш учун ишлатилмоқда. Газ чиқариш паркидаги агрегатлар қишловга шай. Бундан МДҲ давлатларидаги ҳамда Ўзбекистон Республикасидаги истеъмолчиларнинг кўнгли хотиржам бўлса арзийди. «Боғот-2» станциясидан «Боғот» ширкат хўжалигигача бўлган магистрал газ ўтказиш тармоғи ишга туширилди. Манғит шаҳригача бўлган газ ўтказиш тармоғининг эса биринчи навбати фойдаланишга топширилди.

«Хонқа—Янгиариқ», «Қирққизобод», «Прогресс» станцияларида таъмирлаш ишлари олиб борилди. Айниқса, жўнатилаётган газ миқдорини ўлчаш механизмлари янада тартибга келтирилди. Табиий газни шартнома асосида жўнатишда меъёрий босимни ва ҳароратни сақлаш борасидаги ишлар ҳам кўнгилдагидек бўлди. Назорат ўлчов хизмати ходимлари томонидан турли асбоблар ва автоматлар ёрдамида газли компрессор станциясида, «Урга», «Шахпахта» тармоқларида газни ўлчаш йўлга қўйилди. Умуман олганда бу соҳада 1 миллион 498 минг сўмлик таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Ўтказгич қувурларини электрон-кимёвий воситалар ёрдамида ҳимоя қилиш ва уларни таъмирлаш юзасидан амалга оширилган ташкилий техник тадбирлар ўз самарасини берди. Шу боис ҳам магистрал газ ўтказгич тармоқларини муҳофаза қилиш миқдори 90 фоизга етди.

2

Маълумки, ушбу корхона минтақа аҳолисини ва бошқа истеъмолчиларни сув билан ҳам таъминлайди.

Корхона ўзидаги мавжуд электростанциялар хизматидан фойдаланиб, 6,6 миллион квт. соат электр энергияси ҳам ишлаб чиқарганлиги эътиборга молик.

Капитал қурилиш дастури доирасидаги бу ишларга 501 миллион сўм маблағ сарфланган. Янги объектлар бунёд этиш учун 288 миллион сўм ишлатилди. Хўжалик ҳисоби асосида объектларни капитал таъмирлаш ҳам кўнгилдагидек бажарилди. Айниқса, магистрал газ қувурларини ҳамда компрессор станцияларни 2000-2001 йиллар куз-қиш ойларида ишлатиш учун таъмирлаш дастури муваффақиятли бажарилди.

— Бугунги кунда шахс фаровонлигини оширмай туриб умумий манфаатдорликка эришиб бўлмайди, — деди биз билан суҳбатда «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси бош директорининг ўринбосари, «Урганчтрансгаз» шўъба корхонаси раҳбари Зафар Ботиров. — корхонамиз таянчидир.

Шундай вақтлар ҳам бўлганки, Туркманистон газини шимолдагилар, яъни Россия ва Украинадагилар олмай қўйишди. Ўша пайтларда корхонамизда иш миқдори камайиб кетди. Ҳатто кадрларни қисқартириш масаласи ҳам кўндаланг қўйилганди. Ахир малакали мутахассисларимиз кетиб қолса, кейинчалик зарурат туғилса уларни қаердан топамиз, деган хаёлга бордик. Шу боис мутахассисларни бир амаллаб асраб қолдик. Ҳозир Ўзбекистон гази ҳам хорижга сотилмоқда.

Газ сотиш миқдори ўтган йилнинг шу даврига нисбатан икки баробар, Ўзбекистон газини экспорт қилиш 3,8 баробар ошди. Бундан ташқари, Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасига газ етказиб бериш бўйича ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 102 фоизга ўзиб кетилди.

ШАХС ФАРОВОНЛИГИ — УМУМ МАНФААТ ПОЙДЕВОРИ

3

Шуни назарда тутиб биз кейинги йилларда инсон омилига эътиборни қаратяпмиз. Магистрал газ қувурларига эҳтиёт бўлишимиз зарур. Унинг атрофида яшайдиган аҳоли асосан газчи мутахассислар, чўпонлар ва деҳқонлардан иборат. Биз ҳамиша уларнинг ҳолидан хабар олиб турамиз. Бинобарин, ишчи-хизматчилар нинг учун магистрал газ қувурларию компрессор станцияларнинг хавфсизлигини таъминлаш муҳимдир. Шу боис меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги масалаларига жиддий эътибор қаратилмоқда. Айниқса, узоқ масофаларга чўзилиб кетган магистрал газ қувурлари хавфсизлигини таъминлаш муҳим вазифадир. Кўпчиликка маълумки, қувурлар қанчалик қалин бўлмасин барибир коррозияга учраши табиий. Доимий фаолият кўрсатувчи комиссия томонидан 117 та текшириш амалга оширилди. Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш ҳолларига барҳам берилди. Қувурларни ўз вақтида таъмирлаш йўлга қўйилди.

Айниқса, компрессор станцияларини қўриқлаш муҳим вазифа. Бирон кор-ҳол юз беришининг олди олинмаса, унинг оқибатини ўнглаш қийин бўлади. Хива туманидаги Заунгур магистрал газ узатиш бошқармасида бўлганимизда бунга гувоҳ бўлдик. Атроф мустаҳкам деворлар билан ўралган. Станциянинг ўзида эса иш қизғин. Улкан қувурлар орқали Туркманистондан келаётган газ тозаланиб, магистрал газ қувурига жўнатилмоқда. Мураккаб қурилмаларни эса пульт ёнида маҳаллий ёшлар бошқармоқдалар. Цехлар эса кенг ва равон, тоза. Шу ернинг ўзида корхонанинг иссиқхонаси ҳам бор экан. Шундай оғир шароитда, қум барханлари орасида лимондан мўл ҳосил олинаётганини кўриб қувондик. Шифокорларнинг айтишича, лимон газ соҳасида ишлаётганлар учун фойдали экан. Шу боис етиштирилаётган лимонлар корхона ишчи-хизматчиларига арзон нархда сотилади.

Умуман олганда, шўъба корхонасида ишловчиларнинг манфаатдорлигини кўтаришга жиддий эътибор берилаётир. Масалан, бу ерда ўртача ойлик 35-36 минг сўмни ташкил этади. Бундан ташқари, мукофотлар ҳам бериб борилади.

Айтмоқчи, шўъба корхонасининг ёрдамчи хўжалиги ҳам бор. Бу соҳада кейинги йилларда катта ютуқларга эришилганлиги қувончли. Қорамоллар сони 690 бошга, қўйлар 1158 бошга, чўчқалар 511 бошга, туялар эса 51 бошга етди. Умуман олганда 561 гектар майдонда деҳқончилик қилинди. Шунингдек, 325 гектар майдонда шоли етиштирилди. Ёрдамчи хўжалик самарадорлиги юқори бўлганлигини шундан ҳам билиш мумкинки, корхона ишчи-хизматчиларига 345 центнер гўшт, 1153 центнер сут, 40 центнер асал, 509 центнер сабзавот, 69 центнер лимон сотилди. Умуман олганда, корхонанинг ёрдамчи хўжаликларидан 45 миллион сўмдан зиёд даромад кўрилди. Яқинда шўъба корхонаси ёрдамчи хўжалиги вакиллари Шўъба корхонасига қарашли саккизта газ компрессор станцияси айни пайтда самарали ишлаб турибди. 4300 километрга чўзилиб кетган магистрал газ қувурлари орқали маҳсулот турли минтақаларга етказиб берилмоқда. Бу ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Бунга нисбатан икки баробар, Ўзбекистон газини экспорт қилиш 3,8 баробар ошди. Бундан ташқари, Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасига газ етказиб бериш бўйича ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 102 фоизга ўзиб кетилди.

Амударё туманидан 91 гектар янги сувли ерларни ўзлаштиришди. Уларнинг нияти ана шу майдонларда мўл буғдой ҳосили етиштириш. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг депутати Зафар Ботировнинг айтишича, бу ерлардан олинган буғдой ҳосили тегирмонларда тортилиб одамларга арзон нархда сотилади. Айни пайтда корхона ишчиларига 120 сўмдан гуруч сотилаётганлиги ҳам фикримиз далилидир.

Хуллас, мамлакатимиздаги иқтисодий ислоҳотларни кенг миқёсда амалга оширишга муносиб ҳисса қўшаётган «Урганчтрансгаз» шўъба корхонаси ишчи-хизматчилари келажакка умид билан қарамоқдалар. Уларнинг нияти бундан буён ҳам эзгу ишларни кўпайтириб боришдир.

■ **Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ, Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари**

МУРОЖААТ

Шимолий Корея раҳбари Ким Чен Ир мамлакат халқига мурожаат қилиб, озиқ-овқат танқислиги муаммосини ҳал этиш учун паррандачилик ва чорвачилик соҳасини ривожлантириш зарурлигини айтди.

Яқинда у Корея халқ армияси аскарлари томонидан бунёд этилган янги паррандачилик фабрикасини бориб кўрган эди. Ушбу фабрика энг замонавий техника билан жиҳозланган бўлиб, ишнинг салмоқли қисми компьютер билан амалга оширилади.



ЭНГ УЗУН КЎПРИК

Японияннинг Ямагути вилоятида мамлакатдаги энг узун кўприк ишга туширилди. У етти йил давомида қурилган бўлиб, узунлиги 1780 километрга етади. Қурилиш харажати 130 миллион АҚШ долларига тенг бўлди. Шу вақтгача Окинавадаги Курума кўприги энг узун ҳисобланарди.

«ТРИЛЛЕР» РЕКОРДИ

Машҳур хонанда Майкл Жексоннинг «Триллер» деб номланган альбоми рекорд даражада кўп сотилди. АҚШ овоз ёзиш саноати компаниялари уюшмаси вакилларининг маълум қилишича, шу вақтгача «Триллер»нинг 26 миллион нусхаси сотилган.

1982 йили ҳам Майкл Жексоннинг қўшиқлари ёзилган тасмалар рекорд даражада ўз харидорини топган эди. Бироқ, ўтган йили «Иглз» гуруҳи қўшиқлари ундан ўтиб кетди. «Триллер» эса биринчиликни яна М.Жексонга қайтариб берди.

ЧИЗГИ

АҚШ: ГОР ВА БУШ



Американинг икки партияси — «демократлар» ва «республикачилар»дан қўйилган номзодлар Алберт Гор ва кичик Жорж Буш ўртасида президентлик учун бораётган кураш ишонч билан айтиш мумкинки, нафақат американликлар томонидан, балки дунёнинг кўплаб мамлакатлари томонидан ҳам синчиклаб кузатилмоқда. Икки номзоднинг сиёсий қарашларига (ким ғолиб бўлишидан қатъи назар) ва бу қарашлар амалий кучга кирганда АҚШ сиёсатида қандай ўзгаришлар бўлиши мумкинлигига назар ташлаш ортиқча эмас.

Клинтон «демократлар» партиясидан. Шунинг учун, ўз лавозимини партиядошига қонуний тарзда қолдириш мақсадида изчил ташаббус кўрсатгани барчага аён. Америкада президентлик учун кураш ҳамиша икки партия ўртасида бўлиб келган. Ҳозирги Буш собиқ президент Бушнинг ўғли эканлигини эслатишга ҳожат бўлмаса керак. Икки номзод ҳам сиёсатчилар сулоласидан.

Охирги таҳлилларга кўра кичик Буш айниқса жанубий штатларда кўпчилик овозга эга эди. Бу бежиз эмас. Кичик Буш ташвиқоти билан барча штатларда унинг отаси — экспрезидент ва укаси, Флорида штати губернатори Жеб фаол шуғулланишди. Жорж Буш характерида қаттиққўллик, қонун тамойилларига сиғиниш кучли. Масалан, у губернаторлик қилаётган Техас штати Америкада энг кўп ўлим жазоси қўлланилган штат сифатида машҳур. Шунингдек, кўпчилик американликлар Бушни АҚШнинг мудофаа хизмати учун жиддий тер тўкишига ишонишади (бу борада демократ Клинтон ҳам орқада қолгани йўқ, айниқса шов-шувли ядровий ракеталарга қарши мудофаа лойиҳасини эсласак). Жорж Бушга нисбатан демократлар қўяётган яна бир «айбнома» республикачининг кўпроқ тор доирадаги одамлар манфаати йўлида хизмат қилиши. Бунга сабаб Бушнинг сайлов реклама ташвиқотида бойвачча ҳомийларининг кўплиги бўлса керак. Шу сабабли Гор Бушни «бир фоиз аҳолининг махсус қизиқишларини ифодаловчиси», деб атайди. А. Гор сайловчилар билан бўлган ҳар бир учрашувда Клинтон томонидан кўрсатилаётган ташвиқотни рад этиб, ўзининг мустақил дастурига эгалигини уқтириб келган бўлса-да, бу дастур нима билан фарқ қилишини охиригача изоҳлаб бермаган. Ҳозир вице-президент лавозимида турган Гор ҳамиша Клинтоннинг биринчи ўринбосари бўлиб келган. Республикачиларда «Клинтон ва Гор даври» деган иборанинг пайдо бўлиши бежиз эмас. Алберт Горнинг сўзларига кўра, Америка аҳолисининг ҳозирги фаровонлиги қониқарли эмас. У ўз маъмурияти билан аҳоли турмушини янада кўтаришга ваъда берди. Горнинг айтишига кўра, ҳукумат раҳбарлигига сайланадиган бўлса, 22 миллион янги иш ўринларини яратади. Бу ҳақиқатда аҳолининг фаровонлигини таъминлайдиган жиддий далил. Гор, айниқса, Американинг муҳожир фуқаролари ва интернационалистлар томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Республикачилар томонидан демократ Горга ёпиштирилаётган асосий қусур — бюрократчилик. Кейинги йиллардаги асосий фаолияти маъмурият билан боғлиқ бўлган Горни халқ билан бевосита алоқаси узилиб қолганликда «айблашмоқда». Кўпчилик американликлар Алберт Горнинг Оқ уй маъмуриятини бошқариб кетишига ишонишса-да, унинг мудофаа ва хавфсизлик масалаларидаги тажрибасига шубҳа билдиришади. Бироқ унинг таржимаи ҳолига назар ташласак, мудофаа ишларида тажрибаси борлигига гувоҳ бўламиз.

1948 йил Вашингтонда сенатор оиласида таваллуд топган Гор Гарвард университетини битиргач, Вьетнамга ҳарбий мухбир сифатида жўнайди. Урушдан қайтгач, журналистик фаолиятини «Тенессиан» газетасида давом эттиради. 1976 йилда АҚШ конгрессига сайланади. 1985 йилда сенатор сифатида фаолият юрита бошлайди. Табиатан камгап, сиёсат учун муҳим бўлган нотиқлик маҳорати етишмайди. Аммо ўта тиришқоқ, меҳнаткаш. 1988 йилда биринчи бор номзодини қўйиб, муваффақиятсизликка учраган. Шу йили Америкада анча машҳур бўлган «Тарозуда Ер тақдири: экология ва маънавият» китобини ёзади. Сенатда ишлаш давомида ядровий қуроллар масаласи бўйича тажрибали мутахассис сифатида ном қозонган. Албатта, Горнинг маъмуриятни бошқаришдаги маҳоратига американликлар шубҳа қилишмайди. Буни сўровномалар ҳам тасдиқлаган.

Аммо президент фақат яхши раҳбар дегани эмас, у миллатнинг рамзи, ҳаракат тимсоли. Қолаверса, американликлар аниқ бир номзодга овоз беришда кўпроқ шахсий туйғуларга ҳам урғу беришади. Номзоднинг ташаббускорлиги, дунёқараши, ўзини тутишигача разм солишади.

■ **Абдумалик БОБОЕВ**

КАНАДА ЙЎЛЛАРИ.

«МЕНИ ҲЕЧ КИМ ТАНИМАСА...»

Машҳур бўлсам, ҳамма мени таниса қанийди? Юлдуз бўлиш керак бунинг учун. Уларга маза-да, ҳамма танийди. Мен шундай деб ўйлайман. Юлдузлар-чи? Голливуднинг машҳур одамлари-чи? Бироқ юлдуз бўлгунча «бўлари бўлган» юлдузлар энди «осмон»дан тушолмаётганмиш.

Ким? Мана, машҳур жаҳон кино юлдузи Микки Рурк. У азбаройи мухлисларининг кўплигидан чарчаб, ўзининг ташқи қиёфасини ўзгартиришга ҳаракат қилиб башарасига гриммбўёқ чапларкан. У мухлисларидан ҳарчанд қочмасин ишқибозлари уни тинмай «таъқиб» этишда давом этишяпти. Яқинда бошига спортча кепкани бостириб кийиб, юз-кўзини беркитганча, ранги ўчган жинси шим, оёғида тўзғиёзган спортчилар пойабзали, каттакон қора кўзойнак тақиб олган Миккини мухлислари барда тамадди қилаётганда таниб қолишди ва уни саволга тутишди.

— Микки, ростданам ҳеч ким танимаслигини истайсизми? Ёки буям «ўз-ўзини реклама қилиш»ми? — дея сўрашди.

— Рост, кўчада, кафе, бар, хуллас, юриш-туришим кузатувда. Мен ҳам оддий одамман ва шундай яшашга ҳақлиман. Мана, анаву жаноб бир соатдан буён менинг «изим»дан тушган. Биламан, қўлидаги ручкасига камера ўрнатилган. Очиғи, мен бирон аёл билан учраша олмайман. Ўша куни бутун телеканаллар мени «маъшуқам» билан кўрсатади. Кўчада ҳатто сал ножўя ҳаракат қилолмайман. Миш-мишлар болалайди. Кеча биттаси машинамда башарамга қараб, «бузуқ» дея ҳақорат қилди. Биласизлар, мен яхшигина боксчиман. Қани, энди ўшанинг башарасига бир туширсам. Дарров кабель орқали кўрсатувчи телекомпаниянинг изқувари изимдан тушади. Улардан қўрқиб уйимда деразамни очолмайман. Бир сафар очсам мени чўмилаётганимда суратга олишибди. Хуллас, ҳали улар мени «тўшак»да ушлаб, мақсадига етиша олгани йўқ. Шунданам, мени ҳеч ким танимаса дейман...

Эҳ, юлдузлар! Юлдузларга осон тутманг. Уларнинг изидан «изқувар юлдуз»лар юради.

■ **Саида БОНУ тайёрлади.**

«Тахтапул-нон» АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Taxtapul-non

2000 ЙИЛ 5 ДЕКАБРЬ КУНИ СОАТ 15⁰⁰ДА

«ТАХТАПУЛ-НОН» АЖ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ МАЖЛИСИ БЎЛАДИ.

КУН ТАРТИБИ:

1. «Тахтапул-нон» АЖ раисини қайта сайлаш.
2. Кузатув кенгаши аъзоларини қайта сайлаш.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

ИНСОН ХОТИРАСИ — АЗИЗ

ЯШАЁТГАН ОДАМ...

«Туркман», «Култепа», «Ўрол» номи билан юритилувчи 20 га яқин қишлоқлари бор. Умурзоқ оға олим одам эмасми, барча қишлоқларда яхши юмушларга бош бўлди. Йўл, мактаб қурди, сув қудуқлари бунёд қилди, қишлоқ шифохоналари барпо этди, одамларнинг кам-кўстига яради.

... Бу одам рост гапириб ўрганган. Гапниям кўнглингизга ёқадиган қилиб гапирар, ҳар фикрида залвор ва босиқлик, шунга яраша маъно бўлади. «Ҳали кўп яшаймиз! Фақат ҳар қандай инсон шу тупроқда яшаб, ризқ териб ўтаётганини англаб етса дейман-да...»

Бу гапларнинг мағзини ҳалигача чақолган эмасман. Ўзи шундай бўлади, донишмандона гапнинг асл маъносини ҳар гал янгича талқин қилаверасан. Билсангиз, бу тупроқ устида кўкрак кериб яшаб юришнинг ўзи бир саодат, буни англаб етмоқ ҳам бир давлат экан. Қуруқ қорин гадоси ва ё мансабни давлат билиб яшаб ўтаётганлар ҳам қанча!

Журналистлик фаолиятим боис Умурзоқ оға билан кўп мулоқотлар қилганман. У одамнинг фикр теранлиги, мулоҳаза қамровининг кенглиги, дунёқараши, аниқ ҳисоб-китобларни яхши кўриши, билимдонлиги ва одамохунлиги кўп раҳбарларда учрамайдиган ноёб фазилатлардан.

Ўшанда Жалоир қишлоғи аҳолисининг фарзандлари алмисоқдан қолган, нураб тушгудай мактабда ўқир эдилар. Ўша пайтлар бу ҳудудлар Қизил чорвадор номи билан юритилувчи хўжалик бўлиб, 1983 йили Умурзоқ Маматқулов ана шу «ёток» хўжаликка раҳбар бўлиб келди. Унинг эътиборидан Жалоирдаги мактаб ҳам четда қолмади. Янги замонавий мактаб қурилишига бош-қош бўлди. Бу тоғли қишлоқ мактабига ҳозир ҳам кўп шаҳарликлар ҳавас қилади. «Бу мактабни ким қурган?» деб сўрасангиз, муштдай боласи ҳам «Умурзоқ Маматқулов қурган» деб жавоб беради.

Хўжаликнинг «Ём», эл учун, юрт учун, мамлакатимизнинг равнақи учун юрт фарзанди сифатида қилган барча эзгу ишлари одамларни ҳамиша яхшиликка, фидойи меҳнатга чорлайверади.

— У киши меҳнаткаш эдилар, — деб эслайди меҳнат фахрийси Абдукарим ота Мамаёқубов. — Ҳар бир бошлаган юмушни қатъийлик билан охирига етказишга ҳаракат қилар эди. Ана шу садоқатли меҳнати самараси билан Култепа қишлоғи ҳудудида сув-бетон ариқлари ўтказилган ва 200 гектар ернинг суғориш имкониятини яхшилаган эди. Хўжаликда 50 га яқин оилага ўша одам бош бўлиб уй-жой қурдирган эди.

— Умурзоқ Маматқулов ҳаётда ёрқин из қолдирди, — дейди Жиззах воҳаси ободончилик фидойиларидан бири Аҳад ота Сойибназаров. — 65 ёш нима деган гап, унинг ғайратига, шижоатига қараб ҳали кўп яшамоғи керак эди. Афсуски ўлим ёш танламас экан... Аммо мен ишонаман, унинг иккинчи умри энди бошланди. Аканинг

Ҳа, Аҳад ота рост гапни айтди, яхши инсон ҳақидаги ҳикоялар ҳамиша ёдланаверади. Умурзоқ Маматқуловнинг ёрқин хотираси эл ёдида ҳамиша тирик. Муносиб яшаб ўтилган умр эса келажак авлодлар учун, қолаверса, фарзандларга маёқ бўлиб хизмат қилаверади. Умурзоқ оғанинг завжаси Насиба она айтганидай, ота изида лочиндай ўғиллари, одобли, меҳнаткаш қизлари, келинлари, кўпдан-кўп неваралари бор. Умр аталмиш карвон залвори энди уларнинг зиммасига тушди. Ота умри ҳам улар билан давом этмоқда.

■ Оға БУРГУТЛИ

ЎЗБЕК ФЕЪЛИ

ҚАДДИНГНИ ТУТ, БОЛАЖОН

(ВОКЕА)

Одам гавжум жойда ўксиб-ўксиб йиғлаётган болани тасаввур этинг. Беихтиёр: «Нима бўлдийкин? Тинчликми?», — дейсиз унинг кўнглини олмоқчи бўлиб. Яқинда пойтахтдаги Амир Темур шоҳбекатида кечки соат бешларда шундай воқеанинг устидан чиқдим. Ўн ёшлардаги ўғил бола бирам ўпкаси тўлиб йиғлаяптики, ёнида 7-8 яшар синглиси ҳам бор. У гоҳ сумкасини титкилар, гоҳ чўнтакларини ковлар, сўнг яна ҳўнг-ҳўнг йиғлашга тушарди.

Шоҳбекатдаги йўловчилардан кимдир бепарвогина, кимдир ачиниб уларни кузатарди. Шу пайт ўрта яшар бир аёл боланинг ёнига келди-да:

— Ҳа, болажоним бир нарса йўқотдингми? — деди бошини силаб. Бола аёлнинг бағрига ўзини отиб баттар йиғлади.

— Пул... Пулимни йўқотиб қўйдим, — деди ҳиқ-ҳиқлаб аранг. —Тўғаракка берадиган пулимни...

Аёл яна нималарнидир боладан суриштиришга тушди. Ҳамма қизиқсиниб уларни томоша қиларди. Аёл:

— Биродарлар! Қорасувдан келган болажонимизнинг пулини қайсидир каззоб олибдими ё тушириб қўйибдими, буниси худога аён. Ҳар кимнинг химмати, қани, ўғлимнинг бир томчи кўз ёши садқаи сар шу йўқолган пул учун, — деди-да сумкасидан 200 сўм чиқарди. Назаримда, атрофдагилар, айниқса, йигитлар жунбушга келди. Орқамда турган йигит мени туртиб олдинга чиқди: «Қаддингни кўтар, укам», — дея 500 сўм тутқазди. Сўнг яна бир аёл, яна... Ёнверимдагилар бирин-сирин унга яқинлашди.

Боланинг йўқотган пулини эл кўтарди.

Кузатиб турдим, ҳалиги аёл йиғилган пулни рўмолчага маҳкам тугди. Боланинг сумкасига жойлаб автобусга чиққунча парвона бўлди.

Назаримда, она боласини кузатаётгандай.

■ Саида САЙХУН

СЎЗ ВА СУРАТ



Куз — хаёлдай тўзғин хотира,
Хазонлар — баҳорнинг ортидаги из.
Сен тиниқ тасвирсан, тоза, бокира,
Кузак ҳовлисига файз киритган қиз.

■ Шавкат АКРАМОВ олган сурат

SPORT

ЧЕМПИОНЛИККА

ДАЪВОГАРЛАР

Мамлакат миллий футбол чемпионатининг якунланишига икки тур қолди. Аммо, қайси жамоанинг чемпион бўлиши ҳақида ҳануз аниқ фикр айтиш қийин: «Дўстлик» футболчилари чемпионликни яна бир бор сақлаб қоладиларми ёки «Нефтчи» жамоаси ғолиблик нафасидан бахраманд бўладими? Айни пайтда «Насаф» ҳам бўш келмаяпти. Фақат «Дўстлик» жамоаси ҳисобида учта кечиктирилган ўйин бор. Агар чемпионлар «Хоразм», «Турон» ҳамда «Трактор» футболчиларидан устун келишса, мавсум ғолиби бўлишлари ҳеч гап эмас. Фарғоналиклар эса «Самарқанд», «Зарафшон» жамоалари билан кечиктирилган ўйинларда зафар қучишса чемпионликка даъвогарликлари янада ортиши мумкин. Ҳозир «Дўстлик» ва «Насаф» жамоалари 79 тадан очко билан олдинда боришмоқда. «Нефтчи» ҳисобида 78 та очко бор. «Самарқанд» футболчиларининг кучли олтиликдан жой олишлари тайин. «Навбаҳор», «Бухоро» футболчилари ҳам мавсумни кучли олтиликда қолиш билан якунлашга зўр беришмоқда. Мавсум охирида ўзини ўнглашга ҳаракат қилаётган пахтакорчилар 57 та очко билан еттинчи бўлиб туришибди. Ўйинлар жадвалининг сўнгги олти поғонасини эгаллаган жамоалар эса олий лигада қолишга интилишмоқда. Бу борада «Хоразм» ва «Темирйўлчи» жамоаларининг аҳволи қийин. *36-тур ўйинларида қуйидаги ҳисоблар қайд қилинди: «Сўғдиёна» — «Трактор» (2:1), «Гулистон» — «Металлург» (0:1), «Пахтакор» — «Сурхон» (5:0), «Семург» — «Насаф» (4:5), «Дўстлик» — «Андижон» (4:1), «Кимёгар» — «Нефтчи» (1:4), «Навбаҳор» — «Қизилқум» (1:2), «Темирйўлчи» — «Бухоро» (1:6), «Самарқанд» — «Турон» (1:0), «Зарафшон» — «Хоразм» (1:0).*

ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИ

ЙЎЛОВЧИЛАР КЎНГЛИНИ ОЛИБ...

Маълумки, мамлакатимиз иқтисодий ҳаётида пойтахт Тошкентнинг ўзига хос мавқеи бор. Албатта, буни меҳнат жамоаларида фаолият кўрсатаётган одамларсиз тасаввур қилиш қийин. Демак, одамлар ўз вақтида иш жойларига етиб бориши ва ўз вақтида қайтишлари учун шаҳарда жамоат транспорти қатновини намунали ташкил этиш тақозо этилади. *Хўш, Тошкент шаҳар аҳолисига жамоат транспорти хизмати кўрсатиш қай даражада?*

— Мавжуд йўналишларнинг бизга тегишли қисмида автобус қатновлари ташкил этилишини мунтазам назорат қилиб борамиз, — дейди «18-автобус саройи» ҳиссадорлик жамияти раиси Баҳодир Исмоилов. — Кунига 150 автобус 17 йўналиш бўйича аҳолига хизмат кўрсатаётир. Бу борада аҳолидан эътироз сўнгги ойларда умуман бўлмади.

Автокорхонамизда айни кезда бир қанча янгиликлар бор. Масалан, шу соҳага таллуқли талабаларнинг диплом ҳимоясини ўтказиш корхонада йўлга қўйилди. Бу эса ҳукуматимизнинг кадрлар сиёсатига ҳамоҳанг.

Шунингдек, автокорхонада «Энг яхши автобус», «Энг яхши ҳайдовчи», «Энг яхши иш жойи» каби танловлар ўтказилиши йўлга қўйилган. Масалан, Равшан Ортиқов, Актам Комолхўжаев бошқарувидаги 10 АК 634 рақамли ЛАЗ русумли автобус «Энг яхши автобус» деб топилди. У таъмирсиз 12 йил юрган. 10 АК 717 рақамли «Мерседес-Бенц» ҳайдовчиси Ботир Нурматов эса «Энг яхши ҳайдовчи» номини олди. «Энг яхши иш жойи» номига эса таъмирлаш устахонаси(сардори Турсунбой Исоқов)га насиб этди.

— Мажлисларда йўловчиларга маданий муомалада бўлиш кераклигини ҳайдовчи ва паттачиларга эслатиб турамиз, — дейди автобус саройи раҳбари муовини Содиқ Жалолов. — Бу эса иш жараёнидаги баъзида учраб турадиган салбий ҳолатларнинг камайишига олиб келди.

■ Маъмуржон ҚИЁМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Суратларда: *1. Яна бир йўналиш олдидан (ўнгдан) тасарруф бўлими бошлиғи Азимжон Эргашев, ҳайдовчи Хайриддин Нурматов, Ибн Сино йўналиши нозими Фурқат Отаметов, паттачи Хусниддин Сайдалиевлар. 2. «18-автобус саройи» АЖ раиси Ботир Исмоилов, ўринбосар Содиқ Жалолов ва АСУ муҳандиси Наталя Калина билан келгуси ишларни режалаштирмоқда.*

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

«ОБУНАЛОТО» — 2001

«ОБУНАЛОТО» ЎЙИНИ ТАРТИБИ

Муштарий газетада чоп этилган чиптани қайчи билан қирқиб олади ва ундаги 12 ой рақамлари тагидаги 12 бўш катакка биттадан (бир хонали) рақам ёзиб чиқади. Сўнгра яшаш, ишлаш ёки ўқиш жойини, исми ва фамилиясини аниқ-равшан ёзиб, почта алоқа бўлимига ёки жамоатчи матбуот тарқатувчиларига топширади. Почта алоқа бўлимидаги масъул шахс тўлдирилган чиптани кўздан кечириб, тўғрилигига ишонч ҳосил қилгач, муҳр босиб имзо чекади. Бунинг учун муштарийдан ҳар бир чиптага 100 сўмдан ҳақ олинади. Бу «Обуналото» билетининг баҳоси ҳисобланади. Чиптанинг мижозга қайтарилган қисми ютуқлар тиражида қатнашувчи расмий ҳужжат бўлиб қолади.

Ютуқлар тиражи 2000 йил 15 декабрда ўтказилади. Тираж комиссияси қуръа ташлаш йўли билан аниқланган олти хонали рақам газетада эълон қилинади. Чиптадаги ўн икки хонали рақамнинг охирги олтитаси газетадаги рақамга солиштириб кўрилади. Агар улар бир-бирига мос келса — ЮТУҚ чиққан ҳисобланади. Шунингдек, охирги олти рақамнинг беш, тўрт рақами мос келса ҳам тегишинча ютуқ берилади. Масалан, муштарий ўз чиптасига 664943208754 рақамини ёзган, дейлик. Газетада ютуқ рақами 208754 деб эълон қилинди. Бунда чиптадаги ўн икки хонали рақамнинг дастлабки олти рақами — 664943 га ютуқ йўқ, кейинги олти рақами эса ютуқ рақамига мос тушяпти. Шу чипта соҳиби энг катта ютуққа — «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталаридан бирига 1 йил бепул обуна бўлиш ҳуқуқини қўлга киритади. Беш рақамни (08754) топганлар — 6 ой, тўрт рақамни (8754) топганлар — 3 ой ушбу газеталардан бирини (танлаганини) бепул олиб турадилар. Охирги уч рақами (754) тўғри келганларга эса тираж комиссияси имкониятига қараб махсус ютуқлар тайинлаши мумкин. Шу боисдан чиптангизни ташлаб юборишга шошилманг. Омадли мухлисларга чиптадаги ўн икки рақамнинг дастлабки олтитаси ҳам, охирги олтитаси ҳам ютуқ рақамига мос келиши мумкин. Бундайларга СУПЕРЮТУҚ насиб этади ва улар бир йўла «Ўзбекистон овози» ҳамда «Голос Узбекистана» газеталарига текин обуна бўладилар.

ФМТ-1
"Ўзбекистон почтаси" Давлат-Акционерлик компанияси
АБОНЕНТЛИК Газета 220 Нашр индекси
ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
Обуна сони
2001 йил учун (ойлар бўйича)
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
6 6 4 9 4 3 2 0 8 7 5 4
Қаерга 704000 Самарқанд шаҳри (почта индекси) (манзилгоҳ)
Кимга Сойидов Акобир (Фамилияси, исми ва отасининг исми)
Алоқа бўлими муҳри

ФМТ-1
п.в Жойи
Нашрга етказиш варақаси 220 Нашр индекси
ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
Обунани янги манзилга юбориш | Баҳоси | сўм | обуна сони
Баҳоси | сўм
2001 йил учун (ойлар бўйича)
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
6 6 4 9 4 3 2 0 8 7 5 4
Қаерга 704000 Самарқанд шаҳри Бинафша кўчаси 1-уй (почта индекси) (манзилгоҳ)
Кимга Сойидов Акобир
Алоқа бўлими муҳри

ФМТ-1
"Ўзбекистон почтаси" Давлат-Акционерлик компанияси
АБОНЕНТЛИК Газета 220 Нашр индекси
ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
Обуна сони
2001 йил учун (ойлар бўйича)
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)
Кимга (Фамилияси, исми ва отасининг исми)

ФМТ-1
п.в Жойи
Нашрга етказиш варақаси 220 Нашр индекси
ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
Обунани янги манзилга юбориш | Баҳоси | сўм | обуна сони
Баҳоси | сўм
2001 йил учун (ойлар бўйича)
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)
Кимга

«ОБУНАЛОТО» ўйинларимизга иштирок этинг, унда сиз арзимас пул эвазига бебаҳо маънавий бойликни қўлга киритишингиз мумкин. Қимматли вақтингизни сарфлаб газета қидириб юрмайсиз, балки газетанинг ўзи сизни қидириб хонадонингизга кириб боради.

БУНАҚАСИ ҲЕЧ БЎЛМАГАН!

Газета бу — битмас-туганмас маънавий бойликлар сандиғидир. Агар ана шу ажойиб ва ғаройиб маънавий бойликларни қўлга киритмоқчи бўлсангиз,

«ОБУНАЛОТО» ЎЙИНЛАРИГА ҚАТНАШИНГ!

СЎЗСИЗ СУРАТ

ҚИМОРБОЗ ОМАДЛИМИ Ё ОФИЦИАНТ?

Канаданинг Ванкувер шаҳрида яшовчи 55 ёшли қиморбоз ресторанда овқатланаётиб, у ерда қизғин давом этаётган лотереяга ўхшаш ўйинда ўз бахтини синаб кўрмоқчи бўлди ва билет рақамларини ўша ерда хизмат қилаётган официант Эрин Броуэлл билан ҳамкорликда ёзди. Эрин ҳеч ўйлаб ўтирмай ўз туғилган йилини айтиб ёздирди. Буни қарангки, ўша 1969 рақамига 50000 Канада доллари ютуқ чиқди-я. Лекин қиморбоз қочиб кетгани йўқ, мардлик қилди. Ютуқни тенг иккига бўлди. Икки фарзандли официант энди машина сотиб олмоқчи.

БОШ МУҲАРРИР
Азим СУЮН

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат ва ҳуқуқ — 133-44-55
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-12-56
Котибият — 133-21-43
Реклама ва эълонлар 133-38-55, 133-47-80
Факс — 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 136-53-16;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи
Ҳайдар НОСИРОВ

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Саҳифаловчи-дастурчи
Икром ИСМОИЛОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00004
Газета офсет усулида, А—2 форматида босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 702

Топшириш вақти -- 21.00.
Топширилди --
1 2 3 4 5 6

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА